

ТЕРГОВ ҲАРАКАТЛАРИНИ ВИДЕОКОНФЕРЕНЦАЛОҚА РЕЖИМИДА ЎТКАЗИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

¹Муминов Музаффар Эркинович

Ўзбекистон Республикаси ИИБ Академияси Жиноят-процессуал ҳуқуқи кафедраси
бошлиғи ўринбосари, юридик фанлар бўйича фалсафа доктори,

²Жўрабоева Раҳимахон Мухсиддин қизи

Ўзбекистон Республикаси ИИБ Академияси 3-ўқув курси курсанти.

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7568572>

Аннотация: Сўроқ қилиш, юзлаштириш, шахс ва нарсаларни таниб олиш учун кўрсатиш тергов ҳаракатларини видеоконференцалоқа тизимидан фойдаланиб ўтказиш афзалликлари, бу тартибни амалиётга кенг тadbиқ этиш билан боғлиқ масалалар ёритиб ўтилган.

Калит сўзлар: видеоконференцалоқа, тергов ҳаракатлари, тергов ҳаракатларини видеоконференцалоқа режимида ўтказиш, сўроқ қилиш, юзлаштириш, шахс ёки нарсаларни таниб олиш учун кўрсатиш, халқаро ҳамкорлик.

Ҳозирги илмий-техника тараққиёти даврида ахборот технологиялари барча соҳаларга бирдик ўз таъсирини кўрсатмоқда. Тергов ва суд каби ажралмас соҳалари ҳам бундан четда қолмади. Шундай технологиялардан бири видеоконференцалоқадир. Айниқса, “COVID-2019” пандемияси даврида айнан видеоконференцалоқа режимида тергов ҳаракатларини ўтказиш ўзининг ижобий самарасини берди.

Видеоконференцалоқа — узоқда жойлашган бир нечта абонентларнинг реал вақт режимида аудио- ва видеоахборот алмашиш имконияти билан ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда интерактив ҳамкорлик қилиши ҳисобланади[1]. Кенг маънода компьютер техникаси ва дастурий таъминотидан фойдаланган ҳолда реал вақт режимида видео маълумотларни икки томонлама узатиш, қайта ишлаш, ўзгартириш ва тақдим этишни ва қайта ишлашни таъминлайдиган ахборот технологиялари соҳасидир. Бу дастлаб фақат телефон соҳасида мавжуд бўлган аудио конференция функциясининг эволюциясидир. Видеоконференцалоқа сессиялари деб ҳам аталади.

1927 йилда AT&T Белл Телефон Лабораториялари (кейинчалик Белл Лабс) тадқиқот маркази муҳандислари тарихда биринчи ишлайдиган телекоммуникацион комплексни яратишга муваффақ бўлишди. Синов трансляцияларидан ташқари, ечимни амалда синаб кўрган биринчи шахс АҚШнинг ўша пайтдаги савдо вазири Герберт Гувер (икки йилдан сўнг мамлакат президенти бўлган) эди.

1927 йил 7 апрелда Вашингтон шаҳрида жойлашган махсус жиҳозланган студияда у New-Yorkда йиғилган расмийлар ва журналистларга мурожаат қилди. Унинг сурати ва нутқи реал вақт режимида телекоммуникация каналлари орқали 320 км дан ортиқ масофага узатилди. Ҳатто бу тарихий воқеанинг кинохроникаси ҳам мавжуд. Ривожланиш учун сарфланган деярли ўттиз йил беҳуда кетмади - 1956 йилда икки томонлама видео алоқа тизимининг яна бир прототиби тақдим этилди. Лойиҳа жуда муваффақиятли деб топилди ва унинг асосида 1959 йилда Picturephone Mod I деб номланган AT & T видео телефониинг биринчи тижорат татбиқини яратиш устида иш бошланди. Ишчи тизим 1964 йил 20 апрелда тақдим этилди[2]. Шу тариқа видеоконференцалоқа тизими ҳозирги кўринишга келди.

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига жиноят процесси иштирокчиларининг ҳуқуқлари ҳимоя қилинишини таъминлаш билан боғлиқ ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги 2019 йил 23 май қонуни билан ЖПКга «Тергов ҳаракатларини видеоконференцалоқа режимида ўтказиш» билан боғлиқ бир қатор янги нормалар киритилган бўлиб, унга кўра гувоҳлар, жабрланувчилар, гумон қилинувчилар ва айбланувчилар иштирокидаги тергов ҳаракатлари (сўроқ, шахсларни ва нарсаларни таниб олиш, юзлаштириш) мазкур шахсларни улар турган жойдаги ёки яшаш жойидаги вилоят ёки тумanning ёхуд шаҳарнинг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органига ёки судига чақирган, техник воситалардан фойдаланган ҳолда видеоконференцалоқа режимида ўтказилиши, видеоконференцалоқа жараёнида тергов ҳаракати иштирокчилари тергов ҳаракати жараёни ва натижаларини тўғридан-тўғри намоиш (трансляция) орқали бевосита кузатиб бориши, тергов ҳаракатлари стенография, видеокузатув, шунингдек аудио-ва видео қайд этиш тизимлари орқали жиҳозланган махсус хоналарда амалга оширилиши ва натижалари умумий қоидалар асосида расмийлаштирилиши назарда тутилган [3]

Нормада келтирилганидек фақатгина учта тергов ҳаракати, яъни суриштирувчи, терговчи, прокурор жиноят-процессуал қонун талабларига мувофиқ амалга оширадиган, иш ҳолатларини аниқлаш учун аҳамиятга эга фактик маълумотларни топпиш, текшириш ва қайд этишга қаратилган процессуал ҳаракатлар (сўроқ қилиш, юзлаштириш, таниб олиш учун кўрсатиш) видеоконференцалоқа режимида ўтказилади. Хусусан:

Сўроқ қилиш – жиноят судлов ишларини юритишда кенг тарқалган тергов ҳаракати бўлиб, бир шахсдан (гувоҳ, жабрланувчи, гумон қилинувчи ва айбланувчидан) оғзаки кўрсатувлар олиш ва мустаҳкамлаш мақсадида процессуал сўров тарзида амалга оширилади. Сўроқ қилинувчи томонидан билдирилган маълумотлар ҳамда баъзи ҳолларда топшириладиган жадвал, ашёларнинг бошқача тасвирлари кўрсатув беришнинг шакли ҳисобланади.

Юзлаштириш – илгари сўроқ қилинган икки шахс кўрсатувлари ўртасида жиддий қарама-қаршилиқлар сабабини аниқлаш учун ўтказиладиган юзлаштириш аслида сўроқ қилиш турларидан биридир. Унда гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи, жабрланувчи ва гувоҳ сўроқ қилиниши мумкин.

Таниб олиш учун кўрсатиш – гувоҳ, жабрланувчи, айбланувчи ва судланувчининг бирор шахс ёки нарсга тўғрисидаги кўрсатувни текшириб кўриш учун ушбу кўрсатув муайян бир шахс ёки муайян бир нарсга оид эканлиги аниқлаш зарур бўлганда суриштирувчи, терговчи ёки судга маълум бўлган кўплаб шахс ёки нарсалар орасида кўрсатувда тасвирлаб берилган шахс ёки нарсани топпиш зарур бўлганда амалга оширилади. Бунда таниб олиши лозим бўлган шахс ёки нарсанинг белгилари, аломатлари, хусусиятлари тўғрисида олдиндан сўроқ қилинган бўлиши шарт.

Тергов ҳаракатларини видеоконференцалоқа режимида ўтказиш бўйича қонунчиликда қуйидаги асослар келтирилган:

1) шахснинг жиноят ишини тергов қилаётган органга ёки тергов ҳаракати ўтказилаётган жойга соғлиғининг ҳолатига ёки бошқа узрли сабабларга кўра бевосита келиш имконияти бўлмаганда. Бизга маълумки, фуқаролар соғлиғининг бузилиши

оқибатида терговга кела олмаслиги одатий ҳол, лекин узрли ҳолатлар ҳар хил бўлиши мумкин. Чунки бу ҳолат фуқароларнинг ижтимоий-манаъвий ҳаёти билан боғлиқ. Масалан, оиладаги туғилиш, ўлим, оилада ундан бошқа боқувчи ёки қаровчи бўлмаганда яқин қариндошларнинг оғир касалликка чалинганлиги ва бошқ;

2) жиноят процесси иштирокчиларининг хавфсизлигини таъминлаш зарурати юзага келганда. Шахснинг ҳаёти ва соғлиғи энг олий қадрият ҳисобланади ва тергов жараёнида хавфсизлиги таъминланиб, у ҳақдаги маълумотлар сир тутилиши кафолатланади. Кўпинча тергов ҳаракатларида гувоҳларнинг хавфсизлигини таъминлаш тақозо этади. Жиноят содир этган шахс жабрланувчини кўради. Лекин гувоҳни эса кўрмаслиги мумкин ва бундай ҳолларда гувоҳ бошқа ҳудудда бўлса видеоконференцалоқа кўринишидаги сўроқ қилиш, нарсаларни таниб олиш учун кўрсатиш тергов ҳаракатларини ўтказиш мақсадга мувофиқ. Шу билан бирга, гувоҳдан бошқа иштирокчилар: гумон қилинувчи, айбланувчи, жабрланувчи, мутахассислар зеро улар турар жойи тергов олиб борилаётган жойдан бошқа ҳудудда бўлса ва уларнинг келишга имкони бўлмаса;

3) кечиктириб бўлмайдиган тергов ҳаракатлари ўтказилганда. Жиноят-процессуал ҳуқуқ назариясида “кечиктириб бўлмайдиган тергов ҳаракати” тушунчаси кўплаб илмий тортишувларга сабаб бўлади. Чунки олимлар бундай тергов ҳаракатларини турли хил талқин қилиб, уларга мансуб тергов ҳаракатларини ўз нуқтаи назарларидан келиб чиқиб белгилайдилар. Айрим олимлар “кечиктириб бўлмас тергов ҳаракатлари”ни криминалистик тушунча деб билиб, жиноят тергов қилиш тактикасига кўра жиноят ҳали совумаган изларидан далилларни олиш ва мустаҳкамлашга қаратилган ҳаракатларнинг зарурий бирламчиларини, яъни кечиктирилмаган ҳолда ўтказиладиган тергов ҳаракатларини тушунадилар. Бошқа олимлар эса кечиктириб бўлмайдиган тергов ҳаракатларини жиноят процессуал тушунча деб таъкидлаб, жиноят ишини қўзғатиш вақтига нисбатан, қолаверса жиноят-процессуал қонунчилигида айнан “кечиктириб бўлмайдиган тергов ҳаракатлари” сифатида кўрсатилган тергов ҳаракатларини таъкидлайдилар. Яна бир гуруҳ процессуалист олимлар “кечиктириб бўлмайдиган тергов ҳаракатлари”нинг икки жиҳатини кўрсатиб, уни ҳам криминалистик, ҳам жиноят-процессуал тушунча деб ҳисоблайдилар. Ўзбекистон Республикасининг амалдаги Жиноят-процессуал кодексида кечиктириб бўлмайдиган тергов ҳаракатларининг рўйхати ва ҳажми ҳақида сўз юритилмаган. Жиноят-процессуал фаолиятни амалга оширадиган суриштирувчи ёки терговчи ўз иш юритишдаги жиноят ишининг мураккаблигидан ва унинг бошқа таркибий хусусиятларидан келиб чиқиб, барча тергов ҳаракатлари орасидан “кечиктириб бўлмайдиган”ларини ўзи танлаб олади. Шунинг учун ҳам, бизнингча, қонун чиқарувчи кечиктириб бўлмайдиган тергов ҳаракатларининг рўйхатини қатъий белгиламасдан тўғри қилган. Чунки муайян ҳодиса юзасидан айнан қайси тергов ҳаракатлари кечиктириб бўлмайдиган тергов ҳаракатлари бўлишини олдиндан белгилашнинг имкони йўқ[4].

4) тергов ҳаракатини ўтказиш қийинлашиши ёки ортиқча харажатлар келтириб чиқариши мумкинлиги ҳақида асосли сабаблар мавжуд бўлганда. Тергов ҳаракатларини видеоконференцалоқа режимида ўтказишнинг асосий мақсади

ҳаражатларни камайтиришдир. Масалан, иштирокчиларнинг жиноят иши юритилаётган жойдан олисда ва етиб келиш учун етарли миқдордаги маблағининг бўлмаслиги, терговчи ёки суриштирувчини бориши эса ортиқча вақт талаб қилиши мумкинлиги сабабли тергов ҳибсхоналаридан, озодликдан маҳрум этиш жазоси тайинланган шахслар тергов иштирокчиларидан бири бўлиб қолганда олиб келиш ортиқча вақт ва маблағ талаб этади. Бу албатта вазиятни ўзига яраша мураккаблаштиради ва тергов қилиш муддатларини чўзилишига олиб келади. Шундай вазиятларда тергов ҳаракатларини видеоконференцалоқа режимида ўқизиш зарур.

Умумий олганда видеоконференциялоқа режимида тергов ҳаракатларини ўтказишда вақтни тежаш, муддатларни ўтиб кетишини олдини олиш, далилларни тез ва тўлиқ тўплашни, ҳаражатларни тежашни, шахсларнинг хавфсизлигини таъминлашни, қамоқ эҳтиёт чораси қўлланган шахслардан кўрсатувларни олишда ортиқча оворагарчиликка йўл қўймаслик каби афзалликлари бор.

Ўтган асрларда шахсларни кўрсатувларини олиш билан кўрсатувларини бошқа илмий-техника воситаларидан (масалан, телефон) фойдаланиб, ўтказилмаганига сабаб шахсларнинг психологик ҳолатларидир. Чунки шахсларнинг имо-ишоралари, ўзининг тутишлари орқали нима демоқчилигини сўзсиз ўқиб олиш мумкин. Айниқса, уларни ёлғон гапирётганлари яққол намоён бўлади. Видеоконференциялоқа режими эса бу каби муоммоларга барҳам беради ва шахсларни кўрсатувларини олиш давомида уларнинг ҳаракатларини, гапиратётган ёлғон сўзларини билиб олишимиз мумкин[5].

Дастлаб бундай имкониятлар билан биргаликда бир неча муоммолар ҳам вужудга келди. Бу тергов сиридир. Бу тергов жараёнида тўпланган маълумотларни ошкор қилиш мумкин эмаслиги, улар қандай усул билан тарқалишидан қатъий назар жиноий жавобгарликка тортилиши, тергов давомида шахслар ҳақида барча керакли маълумотлар тўпланиши, уларнинг очилиши инсонларнинг конституция ва халқаро ҳужжатларда белгиланган ҳуқуқлари, қонуний манфаатларига путур етказиши, бунинг натижада инсонлар жуда ката маънавий жиҳатдан жароҳат олишлари мумкин.

Ҳуқуқшунослар бунинг инобатга олиб, Жиноят-процессуал кодексининг 91¹-моддасида кўрсатилган минимал талаблар ичига видеоконференцалоқа режими орқали тергов ҳаракатлари ўтказиш даврида VPN (Виртуал шахсий тармоқ) сўзларининг қисқартмаси бўлиб, унда биз очиқ тармоқдаги иккита компьютерни бири-бирига улаб, шахсий ва махфий боғланишни яратамиз. VPNлар дастлаб уйларида туриб нозик иш ҳужжатларини интернет орқали кўришни хоҳлаган компания ишчилари учун яратилган. Шундан бери у машҳур бўлиб, оддий фойдаланувчилар қўлига ҳам етиб борди. VPN фойдаланувчига ҳар қандай маълумотни “интернет туннели” деб аталадиган тармоқ орқали жўнатиш ва олиш имкониятини беради. Масалан, қаердадир компьютер тармоғи бор ва унга уланиш ҳуқуқи фақат айрим шахсларга берилган холос. Биз улардан биримиз ва бу тармоққа хавфсиз йўл билан уланишимиз керак. Шунда биз VPNдан фойдалансак, у компьютеримизни ва биз кирмоқчи бўлган тармоқнинг ҳақиқий ва хавфсиз эканини тасдиқлаб беради. Шундан сўнг VPN биз жўнатмоқчи бўлган маълумотни шифрлаб, уни иккинчи томонга ҳам шифрланган ҳолатда етказиб беради. Кимдир тармоққа кириб маълумотларингизни ўқишга уринса, уларга турли рақамлардан иборат кодланган маълумот кўринади.

Бундай имконият мавжудлиги билан бирга ҳар қандай дастурларни бузиб кирувчи ҳаккерлар ҳам кўпаймоқда, бу эса бизда янги VPN ҳимояланган алоқа каналларини яратишни талаб қилади.

Юқоридаги асослардан ташқари, жуда кўп давлат қонунчилигида вояга етмаган гувоҳ, жабрланувчи, кўрсатувларини олишда ҳам видеоконференцалоқа режимидан фойдаланиш белгиланган. Вояга етмаганларни кўрсатувларини олиш жуда мураккаб ва кўрсатувларни олишда камида қонуний вакиллари иштирок этишлари, улар эса ўз ота-оналари, яқинлари ёки бошқалар орасида гапира олишмайди. Тўғри буни “тергов ҳаракатини ўтказиш қийинлашиши” деб тадбиқ этиш мумкин, лекин буни изоҳлаш ва амалиётдаги барча ходимларга тушунтириб чиқиш қийиндир.

Хорижий давлатларнинг жуда кўпида вояга етмаганларни судда кўрсатувларини олиш агар улар кўрсатув беришни иштамаса айнан шу суднинг биносида видеоконференцалоқа воситалари билан жиҳозланган хонада кўрсатувларини тингланади. Аниқроғи суд муҳокамаси ўтказилаётган хонанинг ёнидаги хонада вояга етмаган шахс кўрсатувларини баён этади.

Қонунчилигимизда тергов ҳаракатларини видеоконференцалоқа режими орқали ўтказиш чегаралари келтирилмаган, яъни давлат сирлари ва шахсларнинг шахсий ҳаёт сирлари билан боғлиқ жиноятларни тергов ёки суд муҳокамкасида кўришда фойдаланишни тақиқлашни келтириб қўйилиши зарур. Тўғри мантиқан олганда барча ҳуқуқни ҳимоя қилувчи органлар ушбу оддий қоида билди, лекин фуқаролар билмайди ва уларга тақиқланганлигини исботлаш учун айнан бир нормани кўрсатиш зарур.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 91¹-моддасига мувофиқ: “Видеоконференцалоқа жараёнида тергов ҳаракати иштирокчилари тергов ҳаракати жараёни ва натижаларини тўғридан-тўғри трансляция орқали бевосита кузатиб боради”- деб белгилаб қўйилган. Лекин бу қоида умуман керак эмас, чунки иштирок этувчи шахсларни йиғиш учун уларга маълум қилиш. яъни турли хил усулда чақирув қоғозлари юбориш ёки уларни таъминлаш учун бошқа соҳавий орган ходимларига топшириқ бериш шу орқали уларни тергов ва судда таъминлаш зарур бўлади.

Видеоконференцалоқа режими орқали тергов ҳаракатларини ўтказиш учун барча ҳуқуқни муҳофаза қилувчи, ҳокимият органларида етарли даражадаги шарт-шароитлар мавжуд эмас.

Экспертларни сўроқ қилишни улар ишлаётган шифохоналар, университетлар ёки бошқа муассаларда ҳам амалга ошириш мумкин, бунда тергов ўтказилаётган органга узоқ бўлган жойда жойлашган шифохоналарда тиббий ёрдам олаётган терговга таъминланиши қийин бўлган шахсларни кўрсатувларини олишда ҳам кенг фойдаланиш мумкинлиги ва босқичма-босқич шунга ўхшаш муассасаларни минимал талабларга жавоб берадиган шароитларни яратиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Ҳатто бизнинг қонунчилигимизнинг нормаларида шундай талаблар белгиланган (тасвир сифати бўйича — ўлчами 1920×1080, секундига 50 та кадр; овоз сифати бўйича — частота диапазони 100-12 000 Гтс; ахборот хавфсизлигини таъминлаш бўйича —

VPN ҳимояланган алоқа каналидан фойдаланган ҳолда) фақат уларни амалга оширилса бўлди.

Энг асосий муоммолардан бири халқаро ҳамкорликни йўлга қўйилмаганлигидир. Чет элда ўқиётган, ишлаётган, яшаётган шахсларни сўроқ қилиш, юзлаштириш, шахс ёки нарсаларни таниб олиш учун кўрсатиш тергов ҳаракатларида иштирок этиши талаб этиладиган бўлса ёки хорижий давлатларда қамоқ эҳтиёт чораси, жиноят қонунчилигига мувофиқ озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо чорасини ўтаётган ва бизда жиноят содир этган шахсларни жиноят ҳақида тўлиқ маълумотларни олиш, жиноий шерикларини топпиш зарурати вужудга келган вазиятларда уларни сўроқ қилишда мамлакатимизга келишини таъминлашдан кўра, халқаро шартномаларга мувофиқ давлатлараро, халқаро сўровлар юбориб видеоконференцалоқа режимидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Хулоса қилиб айтганда, ишни судга қадар юритиш босқичида процесс иштирокчиларининг ҳуқуқларини таъминлаш ва уларнинг бузилишини олдини олиш мақсадида айрим тергов ва процессуал ҳаракатларни видеоёзув орқали қайд этиш ва қайд этилган видеоёзувни махсус электрон базага жойлаштириш механизми ишлаб чиқирилиши, келгусида суд-тергов органлари фаолиятини енгиллаштиришга ва шахсларнинг ҳуқуқ ҳамда эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларининг таъминланишига эришиш мумкин.

References:

1. Ўзбекистон Республикасининг “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги 2017 йил 12 сентябрдаги ЎРҚ-445-сон қонуни // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, мурожаат қилинган сана: 04.01.2023 й., URL: <https://lex.uz/docs/3336169>.
2. Краткая история видеосвязи: от зарождения до ... <https://trueconf.ru>
3. Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига жиноят процесси иштирокчиларининг ҳуқуқлари ҳимоя қилинишини таъминлаш билан боғлиқ ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги 2019 йил 23 май ЎРҚ-542-сон қонуни // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 24.05.2019 й., 03/19/542/3177-сон. URL: <https://www.lex.uz>.
4. Валиков Д.Р. “Тергов ҳаракатлари ва суд ҳаракатларининг тушунчаси ва ҳуқуқий табиати”, Кравец Э.Г. Шувалов Н.В, Мартёв А.Н “Жиноят процессининг судгача бўлган босқичларида тергов ҳаракатларини ўтказишда видеоконференцалоқадан фойдаланишнинг истиқболлари”, Савелиев А.В. “Видеоконференциядан фойдаланиб тергов ҳаракатларини ўтказишда алоқа тизимлари”.
5. Муминов М. Э. ИШНИ СУДГА ҚАДАР ЮРИТИШДА ДАЛИЛЛАРНИ ПРОЦЕССУАЛ РАСМИЙЛАШТИРИШНИНГ ЯНГИ ТАРТИБИ ЖОРИЙ ЭТИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ //BARQARORLIK VA YETAKCHI TADQIQOTLAR ONLAYN ILMIY JURNALI. – 2022. – Т. 2. – №. 8. – С. 190-193